Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2019 йил 13 январь, № 8 (7238) Якшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимизнинг муҳтарам фахрийлари!

Қадрли юртдошлар!

Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу қутлуғ айёмда ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек улуғ ишга бағишлаган сиз, азму шижоатли ҳарбийларимизни шарафлаб, халқимиз, мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги хизматларингиз учун барчангизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Мутафаккир шоир Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, бу дунёда эр йигитнинг энг буюк, эзгу ва муқаддас вазифаси, аввало, ўз оиласи, Ватани ва халқини муносиб ҳимоя қилишдан иборатдир.

Биз сизлар билан — ана шундай ғоят масъулиятли ва олижаноб вазифани шараф билан адо этиб келаётган мард ва жасур, эл-юртга садоқатли ўғлонларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Айнан сизларнинг ерда ва кўкда, сувда ва қуруқликда олиб бораётган мардона хизматларингиз туфайли осмонимиз мусаффо, болаларимиз, мўътабар оналаримиз, кексаларимиз хотиржам яшамоқда, юртимиз обод, халқимиз ҳаёти фаровон бўлмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз фарзандларини — Қуролли Кучларимизнинг аскар ва офицерларини Алпомишдек ботир, чинакам ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаган барча ота-оналарга, ҳарбийларимиз билан ҳаёт қувончи ва ташвишларини доимо баҳам кўриб келаётган уларнинг рафиқалари ва оила аъзоларига катта раҳмат айтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Муҳтарам ватандошлар!

Мана шу байрам кунларида барчамиз Ватан, халқ ва армия бири-бирига нақадар яқин ва муштарак эканини ҳар қачонгидан ҳам теран ҳис этмоқдамиз.

Бу борада армия ва халқ бирлигини таъминлашга қаратилган мутлақо янги тузилма — ҳарбий-маъмурий секторлар барча ҳудудларда самарали фаолият юритаётгани ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ана шундай ислоҳотлар туфайли **“Армия ва халқ — бир тану бир жон!”** деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олмоқда. Бу эса Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бораётганидан яққол далолат беради.

Қадрли дўстлар!

Дунё миқёсида халқаро терроризм, экстремизм каби хавф-хатарлар, миллий ва глобал хавфсизликка қарши таҳдидлар тобора ортиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий қурол-яроғ ва аслаҳалар билан таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний, маънавий-интеллектуал тайёргарлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш энг устувор вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича қатъий позициясини ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланиб бормоқда.

Барчамиз яхши англаймиз: бу борада ҳар бир ҳарбий хизматчининг профессионал билим ва малакаси, ақлий салоҳияти, руҳий тайёргарлигини ошириш, уларда ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Биз давлатимиз мудофаа қудратини ҳар томонлама ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга бундан кейин ҳам алоҳида эътибор қаратамиз. Масалан, 2019 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилади. Ҳарбий хизматчиларнинг 700 дан зиёд фарзандлари олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, ҳарбий шаҳарчаларни обод қилиш, уларнинг ҳудудида замонавий инфратузилмалар барпо этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади.

Халқимизнинг **“Билаги зўр бирни енгади, билими зўр — мингни”** деган мақолида чуқур маъно бор. Шу нуқтаи назардан, Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш, хусусан, ҳарбий таълим соҳасига замонавий билим, илғор хорижий тажрибалар, ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича бошлаган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Айни вақтда шахсий таркиб ўртасида миллий ўзликни англаш ва жанговар руҳни, ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ҳарбий хизматчиларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш ҳам доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим. Шу мақсадда ёш аскар ва курсантлар учун ҳарбий қасамёд қабул қилишдан аввал “Ўзбекистон тарихи” фани ва “Темур тузуклари” китоби бўйича синов ўтказиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш, ушбу соҳадаги қадрият ва анъаналаримизни тарғиб этиш, аскар ва офицерларимизнинг замон қаҳрамонлари сифатидаги қиёфасини бадиий асарлар, спектакль ва фильмлар орқали кенг ёритиб бериш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада таниқли олимлар, адиб ва шоирларимиз, ижодкор зиёлилар, маданият намояндалари янада самарали фаолият олиб борадилар, деб ишонч билдираман.

Қадрли юртдошлар!

Мард ва жасур Ватан ҳимоячилари!

Сизларни ота-оналарингиз, оилаларингиз, бутун халқимиз билан биргаликда кенг нишонлаётган бугунги шону шараф айёми — Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор табриклар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, олижаноб ва масъулиятли фаолиятингизда улкан ютуқлар тилайман.

Барчангизга эл-юртимизнинг юксак меҳри ва ишончи доимо ёр бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

*Мамлакатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш ишларига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажаришда мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:*

### II даражали «Шон-шараф» ордени билан

**Гопоров Мираббос Турғуналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Дусимбетов Ахмаджон Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Яқубов Журъат Амангелдиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

### «Дўстлик» ордени билан

**Аракелян Армен Арамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Тян Александр Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси марказий аппарати бўлим бошлиғи

**Шувалов Вячеслав Станиславович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги марказий аппарати бошқарма бошлиғи

### «Мардлик» ордени билан

**Игамбердиев Фаррух Рихсибаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Матмуратов Сардор Багандикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

(Давоми 2-бетда).

Бизнинг суҳбат

## ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТЛИ ВА МУРАККАБ

### Лекин уларнинг ижроси учун имкониятлар етарли.

*Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига амалга оширган ишчи ташрифи чоғида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Президент Шавкат Мирзиёевнинг тавсияси халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди. Эркинжон Турдимов Самарқанд вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.*

*Республикамиздаги йирик ҳудудлардан бирининг раҳбари мухбиримиз саволларига жавоб берди.*



*— Эркинжон Оқбўтаевич, сиз Президент тавсияси билан шундай масъулиятли лавозимга тайинландингиз. Хўш, бу юксак ишонч масъулиятини қандай ҳис қилдингиз?*

— Давлат томонидан билдирилган бундай юксак ишонч, аввало, минглаб одамларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, турмуш тарзини кўтариш, дунёда мамлакатимиз нуфузи ҳамда рақобатдошлигини оширишга қаратилган улкан дастурларни рўёбга чиқаришга йўналтирилган масъулиятдир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан вилоятларга ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўйича тобора катта иқтисодий имкониятлар ҳамда преференциялар тақдим этиляпти. Бунинг натижасида минтақалар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий драйверларига ҳамда ҳаётнинг барча жабҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг сифат кўрсаткичларига айланяпти. Бу вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар раҳбарларига мамлакатнинг замонавий тараққиёт босқичида муҳим ҳамда масъулиятли вазифа юклаётганини англатади.

Олдимизда оддий бўлмаган, лекин саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда ечиладиган вазифалар турибди.

Бугун одамларнинг дунёқараши шиддат билан ўзгармоқда, жамиятимиз янада очиқ бўлиб бораётир. Бинобарин, аҳоли билан мулоқотни давом эттириш муҳимдир. Зотан, халқ билан мулоқот одамларни ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаш ва уларга амалий ечим топиш имконини беради.

Давлат раҳбари Ўзбекистондаги ҳар бир инсон, миллати, тили ва эътиқодидан қатъи назар, эркин, тинч ҳамда фаровонликда, ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашдек олижаноб мақсадни қўйди. Ушбу эзгу ниятларга эришиш учун ҳар бир ҳудуд раҳбари шахсан жавобгар, деб ҳисоблайман.

*— Яқин истиқболдаги амалий фаолиятингизда ўз олдингизга қандай устувор вазифаларни қўйгансиз?*

— Умуман олганда, олдимизда замонавий корхоналар, янги иш ўринлари яратишга инвестициялар йўналтириш, аҳолининг маиший муаммоларини ҳал қилиш, замонавий талабларга жавоб берадиган таълим, илм-фан тизимини шакллантириш, рақамли технологияларни комплекс татбиқ этиш йўлидаги машаққатли меҳнат турибди.

➔2

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

## АРМИЯ ВА ХАЛҚ — БИР ТАНУ БИР ЖОН!



*Ватанни муқаддас, деб билган инсон борки, унинг бугунги ютуқларидан қувонади, эртанги келажагидан қайғуриб яшайди. Зеро, юрт тақдири халқ тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, Ватанимиз осойишталигини таъминлашдек шарафли ишга ўз ҳаётини бахшида этган инсонлар меҳнати ҳар қанча эътирофу рағбатга лойиқ.*

➔4

## БУЮК МУҲАДДИСЛАРНИ КАМОЛГА ЕТКАЗУВЧИ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

*Сўнгги икки йил мамлакатимиз ҳаётида юксалишларга бой бўлди. Республикамиз раҳбарияти олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат узоқ-яқин давлатлар билан дўстона алоқаларимизни янада яхшилашга хизмат қилмоқда.*

Муносабат

Иқтисодий-ижтимоий соҳада юз берган ўзгаришлар одамларимизнинг турмуш даражаси яхшиланиб боришини таъминлаяпти. Таълим соҳасида бўлаётган янгиликлар ҳам ёшу қарининг хурсандчилигига сабаб бўлаётир. Айниқса, диний-маърифий соҳада қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқдаки, бундан юртимиз аҳолиси ҳам, хорижлик маърифатпарвар инсонлар ҳам беҳад мамнун бўляпти.

Хусусан, мамлакатимизга ташриф буюриб, бу ердаги ўзгаришлар билан яхши танишган, уламоларимиз, имом-хатибларимиз билан ҳамсуҳбат бўлган хорижлик номдор алломалар — Шайх Аҳмад Таййиб, Муҳаммад Аввома ва бошқаларнинг қанчалик ҳавас қилиб кетганига ўзимиз гувоҳмиз. Ватанимиз равнақи, миллатимиз келажагини илми бутун ёшлар тимсолида кўрган Президентимиз ташаббуси билан ўтган йили Мир Араб олий мадрасаси ташкил этилди.

➔2

## НОРАСИДАЛАР НАСИБАСИГА ХИЁНАТ

### Мактабгача таълим муассасаларидаги талон-торожликлар фош этилди.

*Коррупция ва жиноятчилик жамият тараққиётига рахна солади, инсон ҳуқуқларини поймол этиб, тинч ҳамда фаровон ҳаётга занг туширади. Шу боис мамлакатимизда мазкур иллатларга қарши кескин кураш олиб борилмоқда.*

Долзарб мавзу

*Натижада жиноятлар ўз вақтида аниқланиб, қонунбузарларга тегишли чоралар кўриляпти.*

*Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ички аудит хизматининг 2018 йил давомида бу борада амалга оширган ишлари қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилда ҳам чиқиши ҳақидаги халқимизнинг пурмаъно ҳикматида нақадар катта ҳаётий ҳақиқат мужассам эканини яна бир бор кўрсатди.*

➔3

2018 ЙИЛДА МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТКАЗИЛГАН АУДИТ ТЕКШИРУВЛАРИ НАТИЖАЛАРИ



*Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманидаги 5-МТМда электрошит хонасига яширилган алюминий чойнак ўғирланган гўшт билан лиқ тўла эди.*




Мактабгача таълим вазирлиги материаллари асосида тайёрланди. «Халқ сўзи»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

**Муродов Тошпўлот Шомуродович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Турдиев Луқмонжон Қодиралиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Хасанов Ижод Уткурович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бўлим бошлиғи

## «Жасорат» медали билан

**Абдуразаков Фарҳад Азатович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси катта ўқитувчиси

**Атажанов Дурдибой Рузимбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Ахмедов Азиз Акмалович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Бердиев Зохириддин Салойиддинович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Дадабоев Икромжон Алиёрович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Даулетназаров Сапарбай Конратбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Ибрагимов Хуршид Рашидович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Исаджанов Бекзод Ибрагимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Караханов Улугбек Акбарджанович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Каримов Азамат Очилбекович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Каримов Файзулло Эгамбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Каримов Эркин Икромбаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм мутахассиси

**Ким Дмитрий Вячеславович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Қўчқаров Шахриёр Бахтиярович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби базаси бошлиғининг ўринбосари

**Мажидов Эркин Аъзамович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Маликов Жахонгир Мирзамуротович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби катта инспектори

**Назаров Ферузбек Махсудбекович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Сатторов Анвар Мансурович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Солиев Алишер Раҳимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Турсунов Хамдамжон Халимжонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Ўрақов Нодир Абдуманнон ўғли** — Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси ходими

**Файзуллаев Умиджон Қахрамонович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батареяси командири

**Худайбердиев Уткир Тошмурадович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Худойберганов Хусанбой Мухамадович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Эллиев Кулдош Абдирозикович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командирининг ўринбосари

## «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Абдумаликов Абдумажит Худайберганович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази бўлим бошлиғи

**Адилов Хусен Нормахмадович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби Марказий қўмондонлик пункти тезкор навбатчиси

**Акбалаев Дониёр Махмудович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Ашуров Шуҳрат Саттарович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Бегашев Фахриддин Содиқович** — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси

**Ғоибназаров Мақсуд Маманазарович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Джумаев Сафар Кенжаевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Камалов Қахрамон Ўктамович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг нейрожарроҳлик бўлими бошлиғи — бош нейрожарроҳи

**Куватов Алишер Джумабаевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи ҳайдовчи-мутахассиси

**Мадрахимов Шерзод Усмоналиевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Махамадзияев Тапил Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги хизмати бошлиғи

**Набиев Абдуқахор Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Нематиллаев Шухратжон Кодирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бўлим бошлиғи

**Нормуродов Суннатулла Зокирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси командири

**Садатов Сафарбой Насруллаевич** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги батальон командири

**Солиев Ахроржон Боходирович** — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети кафедраси бошлиғи

**Суяров Зайниддин Холбутаевич** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси цикли бошлиғи

**Ташходжаев Дониёр Бахтиярович** — Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Утемуратов Мамангелди Тауекелович** — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

**Хан Павел Афанасевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги спорт клуби тренер-ўқитувчиси

**Хусаинов Дониёр Хасанович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Марказий аппарати бошқарма бошлиғи

**Шаймарданов Элмурот Эргашевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони штаб бошлиғининг ўринбосари

**Эралиев Азат Пулатович** — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳарбий авиация билим юрти кафедра бошлиғининг ўринбосари

## «Шуҳрат» медали билан

**Алимов Равшан Козимович** — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Андижон вилояти божхона бошқармаси бўлими бошлиғи

**Аллаев Бобир Абдивойидович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секцияси мутахассиси

**Баккаев Анвар Мусулманович** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Валиев Алимхон Аллоханович** — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бош штаби Ҳарбий-стратегик тадқиқотлар ва илмий ишлар маркази бош мутахассиси

**Жалилов Рашидбек Равшанбек ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командирининг ўринбосари

**Журакулов Одилбек Равшанович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Самарқанд ҳарбий госпитали бўлинмаси бошлиғи

**Кодиров Аброрбек Абдулхакимович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Кучкаров Нозимжон Ғуломқодирович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм қўриқлаш гуруҳининг қоровул бошлиғи

**Махмудов Махмуджон Тохирович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи командири

**Негматов Шерзод Бозорбой ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости радиотелефонисти

**Норматов Низомжон Хайруллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчиси

**Раимкулов Улуғбек Тургунович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Рахимов Ибодилло Бахшиллоевич** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмати бошлиғи

**Рахимов Рустамбек Рузибоевич** — Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси йўриқчи-қутқарувчиси

**Саидова Фотима Халимовна** — Самарқанд вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси мутахассиси

**Солиев Мирзохид Абдурашидович** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм отряди мутахассиси

**Темиров Жонибек Махамматкул ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳи командири

**Тураев Гани Толибович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти кафедра бошлиғи

**Усмонов Камол Хошим ўғли** — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти кафедра бошлиғи

**Утегенов Алляр Утебаевич** — Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фельдшер-қутқарувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 11 январь

# ВАЗИФАЛАР МАСЪУЛИЯТЛИ ВА МУРАККАБ

## Лекин уларнинг ижроси учун имкониятлар етарли.

1 ➡

Инвестициявий жараёнларни фаоллаштирган ҳолда биз иқтисодиётда ижобий суръатларга эришамиз. Бу эса ижтимоий ва инфратузилма соҳаларида йиғилиб қолган муаммоларни изчиллик билан ҳал қилиш имконини беради. Биз "яширин" иқтисодиёт ва коррупцияга принципиал қарши курашган ҳолда очиқ иқтисодиёт, соғлом рақобат учун қулай шароит яратишимиз лозим.

Ҳududнинг қишлоқ хўжалиги бўйича салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш вақти келди. Самарқанд вилоятида аҳолини иш ва зарур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш имконини берадиган 37 минг гектардан зиёд фойдаланилмаётган суғориладиган ерлар мавжуд. Бўш ётган майдонларни ишлатиш лозим. Бу келгусидаги фаолиятимизнинг асосий йўналишларидан бирига айланади.

Ўз навбатида, тадбиркорлик, самарали солиқ сиёсатини олиб боришни қўллаб-қувватлаш ҳам устувор аҳамият касб этади.

Президентнинг ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалаларида аниқ амалий кўрсаткичларга эришишга қаратилган Фармон ва қарорлари ижроси изчиллигини таъминлаш стратегик жиҳатдан муҳимдир.

*— Инвестициявий жараёнларни фаоллаштириш йўлидаги дастлабки саъй-ҳаракатларингиз қандай бўлади?*

— Ҳудуд иқтисодиётига хориж капитал қўйилмалари ҳажмини ошириш масаласи Президент Шавкат Мирзиёевнинг Самарқанд вилоятига амалга оширган ишчи ташрифи чоғида ҳал қилина бошланди. Давлат раҳбари делегацияси таркибига қўшма лойиҳаларни рўёбга чиқаришни режалаштираётган хориж давлатлари элчихоналари вакиллари ҳам киритилганди. Жалб қилинаётган инвестициялар интенсив боғларни кенгайтириш, пахта-тўқимачилик кластерларини яратиш, сувни тежаш технологияларини жорий қилиш, паррандачилик, минерал ўғит, қурилиш материаллари ва бошқа саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби йўналишларга тааллуқлидир. Масалан, Булунғур туманида Хитой қишлоқ хўжалиги тажрибасини татбиқ этиш режалаштириляпти. "Ургут-2" эркин иқтисодий зонасида россиялик ҳамкорлар билан биргаликда ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш бўйича корхона очилаётир. Тайёр маҳсулотнинг қарийб 30 фоизи экспортга чиқарилади.

Умуман, 2019-2020 йилларда хорижлик ҳамкорлар иштирокида юқори технологияли йирик ишлаб чиқариш қувватларини барпо қилиш бўйича 968 та сармоявий лойиҳа шакллантирилди. Жалб этилган инвестициялар ҳудуд экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилиши керак. Шундагина салмоқли капитал қўйилмалар кутилган самарани беради.

Албатта, қўйилган вазифаларни амалга оширишда кадрлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бир қатор туманлар ҳокимлигига янги, кўпроқ самара келтирадиган раҳбарлар тайинланмоқда.

Айни чоғда давлат раҳбари топшириғига биноан, Самарқандда халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, рақамли иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича амалий ишлар бошланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ушбу соҳадаги мутахассислар яқин келажакда ҳудуд ва умуман мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий имижини белгилаб беришади.

*— Самарқанд вилояти ноёб сайёҳлик салоҳиятига эга. Ушбу йўналишда қандай дастурларни амалга ошириш режалаштирилаётир?*

— Ушбу йўналишдаги ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Бизнинг вазифамиз мазкур жараёнларга янги туртки беришдир. Ҳозирги кунда Индонезия, Туркия ва БАА инвесторлари иштирокида замонавий меҳмонхоналар қуриш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилиш арафасида турибди. Ушбу соҳада энг йирик дастурлардан бири "Samarkand siti" туристик кластери, йирик халқаро анжуманлар ўтказиш учун конгресс-холл, юқори даражадаги меҳмонхоналар ҳамда бизнес марказ қуришдир.

Малакали мутахассисларни халқаро илғор тажрибани инобатга олган ҳолда тайёрлаш мақсадида Буюк Ипак йўли халқаро туризм университети фаолияти фаоллаштирилади.

Туризмнинг зиёрат, тиббиёт, экологик турларини ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳалар ҳам мавжуд.

*— Жорий йилда Самарқанд вилояти учун қандай ижтимоий дастурлар устувор бўлади?*

— Одамларнинг бахтли-саодатли ҳаёт кечиришлари учун қулай шароит яратиш ушбу йўналишда устувор дастурлар ҳисобланади. Бунинг учун биз уй-жой етишмаслигидек ўткир масалани тез ва самарали ҳал қилишимиз керак. Шу мақсадда Мотрyд массивида жорий йилда кўп қаватли уйлар қурилиб, янги митти туман барпо этилади. Қолаверса, немис технологияси асосида алоҳида сейсмик ва шамолга бардошли бўлган 16 қаватли уйлар бунёд этилаётир. 50 та кўп хонадонли тураржой қуриш ҳам бу борадаги лойиҳалардан биридир. Уй-жой дастурини амалга оширишда нархни шакллантириш ва комплекс ижтимоий инфратузилмаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари таълимнинг барча босқичини модернизация қилиш ишлари давом эттирилади, янги спорт ва маданият муассасаларини очиш ҳам режалаштирилмоқда.

Болаларни 2019 йилда мактабгача таълим даргоҳларига қамраб олиш даражасини ҳозирги 29 фоиздан 52 фоизгача ошириш кўзда тутилмоқда. Россия Федерацияси, Жанубий Корея, Ҳиндистондаги ҳамкорлар билан биргаликда ҳудудда юқори технологияли тиббиёт марказларини очиш бўйича келишувларга эришилди. Айни чоғда Каттақўрғон, Нуробод ва бошқа туманларда тиббиёт ходимлари етишмовчилигидан кўз юмиб бўлмайди.

*— Сиз Ўзбекистоннинг кўп ҳудудларида ишлагансиз. Бошқа минтақалар билан солиштирганда Самарқанд вилояти ижтимоий-иқтисодий тараққиётда қандай ўсишга эришиши мумкин?*

— Ҳар бир ҳудуд ўзига хос ижтимоий-иқтисодий имиж ва ривожланиш салоҳиятига эга. Самарқанд вилояти одатда агросаноат, туризм салоҳияти ва кучли таълим ресурслари билан ажралиб туради. Сўнгги йилларда бу ерда юқори технологияли, дунё бозорида рақобатдош бўлган автомобилсозлик, тўқимачилик, қайта ишлаш тармоқлари шаклланди. Аммо ҳудуднинг энг асосий ресурси ишбилармонлик ва бунёдкорлик туйғуси билан яшаётган инсонлардир. Бинобарин, давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган марраларга эришиш йўлида, биринчи навбатда, ҳудуд аҳолиси кўмагига таянмоқчимиз.

*— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!*

**Ўз мухбиримиз Ринат АБДУЛЬМАНОВ суҳбатлашди.**

# БУЮК МУҲАДДИСЛАРНИ КАМОЛГА ЕТКАЗУВЧИ МАЪРИФАТ МАСКАНИ

1 ➡

Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг очилиши эса хорижлик мутахассисларни ҳам қизиқтириб, уларни шу даргоҳда ишлашга ҳавасманд қилиб қўйди.

Юртимизда замонавий фикрлайдиган, диний ва дунёвий илмларни пухта ўзлаштирган кадрлар тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, жаҳонда иқтидорсиз одам бўлмагани каби иқтидорсиз миллат ҳам йўқ. Фақат ўзида мавжуд истеъдодни юзага чиқариш учун кўп меҳнат ва камроқ ҳаракат қиладиган одамлар ҳамда ўша одамлардан ташкил топган миллатлар бор. Кимнинг ёйинки қайси миллатнинг нимага қодирлигини билмоқчи бўлганлар кўҳна тарих зарварақларини саҳифалаб кўрса, ҳаммасини очиқ-ойдин кўради.

Ҳазрат Навоий "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида туркийларнинг ниҳоятда тезхотир ва илмга ташна халқ эканини таъкидлаб ўтган. Бу борада бобою момоларимиз қўлга киритган ютуқларни санаб чиқишга уриниб ўтирмадик. Зотан, яна бир мутафаккир бобомиз Бобур Мирзо таъбири билан айтганда, аён гапнинг баёнига не ҳожат. Аммо мавзуга дахлдор бўлгани боис Имом Бухорий, Имом Термизийнинг номини тилга олиб ўтсак, фикримиз тушунарли бўлади, деган умиддамиз.

Юртимизга ислом дини кириб келган паллаларда миллатимизнинг табиатида ана шу муборак динга мойиллик бўлгани ҳамда миллатимиз фарзандларининг ислом динини ўрганишга, хусусан, ҳадис илмига катта иқтидори борлиги юқорида номи тилга олиниб ўтган зотлар сиймосида кўзга яққол ташланади.

Хабарингиз бор, 2018 йилнинг 16 апрелида Президентимизнинг "Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш, ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган буюк ватандошларимизнинг бой меросини пухта ўрганиш, улар асос солган ҳадис илми мактаблари фаолиятини қайта тиклаш ва ривожлантириш, шунинг баробарида, соҳага оид олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорда Ҳадис илми мактаби Ўзбекистон мусулмонлари идораси муассислигидаги олий диний таълим берувчи нодавлат таълим муассасаси ҳисобланиши кўрсатилган. Мактаб битирувчиларига диний таълим соҳасидаги бакалавр даражаси берилади.

Мазкур мактабда Қуръони карим ва ҳадиси шарифларнинг асл моҳияти ўргатилиб, ҳадисшунослик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш кўникмасига эга мутахассислар тайёрланади. Шунингдек, ҳадислардаги эзгуликка бошловчи умуминсоний ғояларни халқимизга, айниқса, ёш авлодга етказиш ҳам мактабнинг асосий вазифаси этиб белгиланган. Ҳадис илми мактабида ўқиш муддати беш йил бўлиб, кундузги таълим шаклида олиб борилади. 2018/2019 ўқув йили учун қабул квотаси 10 та ўрин этиб белгиланган ва унга араб тилини пухта ўзлаштирган, ҳадисларни ёд олишга салоҳияти бўлган ўрта махсус диний таълим муассасаларининг битирувчилари саралаб олинди.

Ватанимизда ушбу муътабар илмга қизиққан ёшларимизнинг қувончини кўриб, биз, катта авлод вакиллари ҳам севинмоқдамиз. Зеро, фарзандининг камолотга интилганига гувоҳ бўлиб, бундан қалби севинчга тўлиши ота-оналик шарафидир. Юрагига илмдан чўғ тушган фарзандларимиз шунга диққатли бўлиб араб тилини яхши ўрганишларини истаймиз.

Қарорда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда мактаб билан хорижий мамлакатларнинг нуфузли илмий ва таълим муассасалари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, хорижлик профессор-ўқитувчиларни мактабга жалб қилиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, мактаб профессор-ўқитувчиларини малака ошириш, тажриба алмашиш ва ўқитиш учун чет мамлакатларга юбориш чораларини кўриши белгилангани янада қувончли иш бўлди.

Дарҳақиқат, илм тажриба алмашиш орқали камол топади. Шу мақсадда мазкур даргоҳда юртимизда асрлар давомида шаклланган ҳадис илми мактаблари анъаналари давом эттирилади. Шунингдек, ўқув режаларини тузишда Миср, Мавритания, Туркия, Покистондаги ҳадис илмлари бўйича дунёнинг етакчи ўқув юртлари тажрибаси ўрганилди ва уларнинг қўлга киритган ютуқлари амалга жорий қилинмоқда.

Президентимиз 11 январь куни Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида Ҳадис илми мактаби учун барпо этилган ўқув биноси, талабаларга бу ерда яратилган қулайликлар, улар учун мўлжалланган ётоқхона шароитлари билан танишди.

Дарҳақиқат, ушбу муассасада барча замонавий шароитлар муҳайё. Дарслар замонавий педагогик технологиялар, шунингдек, "Устоз — шогирд" анъаналари асосида олиб борилади. Мактабда ҳадис илмлари бўйича илмий даражага эга бўлган малакали ўқитувчилар дарс беради. Шунингдек, дунёга машҳур Ал-Азҳар университети ва бошқа нуфузли ўқув юртларидан ҳам ўқитувчилар чақириш режалаштирилмоқда.

Ҳадис илми мактаби дунёга илм-маърифат эшикларини очиб берган улуғ алломаларимиз, муҳаддис аждодларимиз ишларини давом эттириш имкониятини тақдим қилмоқда. Албатта, бу даргоҳда таълим олган ёшларимиз эртага малакали мутахассислар сифатида аждодларимизнинг давомчиси бўлишга, ёшларимиз онгини ёт ғоялардан ҳимоя қилишга, уларда чинакам мафкуравий иммунитет шаклланишига, динимиз софлигини одамлар онгу шуурига сингдиришга хизмат қилади, иншоолloҳ.

**Шайх Абдулазиз МАНСУР, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари.**

## Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг 27 йиллигига

# АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОН!



### ДУНЁНИНГ ЭНГ КУЧЛИ АРМИЯЛАРИ САФИДАМИЗ

**Ўзбекистон Қуролли Кучлари "Global Firepower" томонидан тузилган, 136 мамлакат Қуролли Кучлари иштирок этган дунёнинг энг кучли армиялари рейтингида 9 поғона юқорилаб, 39-ўринни эгаллади.**

**Рейтингни тузишда 50 дан зиёд омиллар, жумладан, қўшинлар сони, қуруқлик, ҳаво ва денгизда жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган ҳарбий техника миқдори ҳисобга олинди. Шу билан бирга, мамлакатлар қурол-яроғга сарфлаши мумкин бўлган иқтисодий манбалар ва рейтинг иштирокчиларининг географик жойлашуви ҳисобга олинди.**

**Ўзбекистон Қуролли Кучларида**

**100** дан зиёд ёппасига ўт очиш қуроллари

**900** га яқин тўп

**1270** дан ортиқ бронетехникалар (танклар, жанговар машиналар, ўзиюрар тўплар шулар жумласидан)

**мавжуд.**

## Эътибор

*Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан йўллаган байрам табригида "Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларимизда узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар бериш асосида кўп қаватли уй-жойлар босқичма-босқич барпо этилмоқда. Биз бу ишларни доимий равишда давом эттирамиз", дея таъкидлаган эди.*

*Ҳақиқатан ҳам, ана шу сўзларнинг амалий ифодасига ҳар бир вилоятда жадал олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун бирин-кетин тақдим этилаётган замонавий тураржойлар мисолида гувоҳ бўлмоқдамиз. Яқинда Бухорода шундай қувончли тадбир иштирокчисига айландик. Гап шундаки, вилоят марказида Мудофаа вазирлиги қўшинлари ҳарбий хизматчиларига мўлжаллаб қурилган беш қаватли учта уй фойдаланишга топширилди.*



# ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ — ЮРТ РАВНАҚИ

Сержант Адизмурод Алларов ушбу хонадонлардан бирининг соҳиби бўлди.

— Янги йилни янги уйда кутиб олиш одамнинг кайфиятига барибир бошқача таъсир қиларкан, — дейди у. — Жуда хурсанд бўлдик. Табриклашга келаётганлар шароитларни кўриб, ҳавас билан қарашяпти. Имкониятлар ростдан ҳам зўр. Болаларимизнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун яратилган қулайликларни айтмайсизми? Байрам дастурхони атрофида ёши улуғларимиз юртимизга тинчлик-омонлик сўраб дуолар қилишди. Эзгу ниятлар билдирилди. Ҳаммамизнинг истагимиз шу — осойишталик бўлсин.

Давлатимиз томонидан биз, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган бундай юксак эътибор, албатта, зиммамизга янада улкан масъулият юклайди.

Янги уйли бўлганлар қаторида ўз хизмат бурчини ўташ чоғида мардларча ҳалок бўлган Умрзоқ Болтаевнинг турмуш ўртоғи Дилнавоз Тўхтаева ҳам бор.

— Шу эзгу ишнинг бошида турганлардан миннатдорман, — дейди икки фарзандни тарбиялаб, вояга етказаётган бу аёл. — Оиламизга янги уй ажратишганидан ташқари уни жиҳозлаб ҳам беришди. Бу яхшиликни асло унутмайман.

Янги уйлар умумтаълим мактаби ва мактабгача таълим муассасаси қурилган ҳудудда жойлашган. Бу ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари мактаб ва боғчага бемалол пиёда қатнашларига имкон беради. Бунинг устига уйларнинг олд тарафига қурилган болалар майдончаси бўш вақтнинг мазмунли ўтишини таъминлайди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

## Фахр

*Мамлакатда тинчлик-осойишталик бўлмаса, ҳеч нарса татимайди. Шундай экан, биз, Ватан посбонлари шу юрт учун, шу халқ учун қанча жон куйдирсак, хавфсизлигини таъминласак, шунча кам.*

*Сир эмас, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ана шундай шарафли ва масъулиятли ишларда фаол қатнашиб келаётир. Айниқса, жамоат тартибини сақлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишлари ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан ҳамкорликда тизимли ташкил қилиняпти. Бунда "Хавфсиз шаҳар", "Хавфсиз туризм", "Хавфсиз хонадон" лойиҳалари жорий қилингани ҳам алоҳида аҳамият касб этяпти.*



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ — МИЛЛАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИДА

Президентимиз мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида шу ҳақда тўхталди. Жумладан, жамоат хавфсизлиги ва шахсий мулк дахлсизлигини таъминлашга Ички ишлар вазирлиги билан Миллий гвардия ҳам баббаравар жавоб беришини таъкидлади.

Фаолиятимиз ҳақида сўз юритадиган бўлсак, ўтган йилнинг июль ойидан Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари "Хавфсиз пойтахт" концепциясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга киришган эди.

Бугунги кунда пойтахтимиз ҳудуди бўйича жамоат тартибини сақлаш учун Миллий гвардия бўлинмаларидан 700 нафардан ортиқ ҳарбий хизматчилар жалб қилинган. Уч сменада туну кун хизмат ташкиллаштирилган. Бу маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Жамоат жойлари ва кўчаларда 200 мингдан ортиқ видеокузатув ускуналари ўрнатилган.

Ҳамкор идоралар билан биргаликда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган 1100 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Натижада 163 мингдан зиёд ҳуқуқбузарликлар, 103 та оғир ва ўта оғир, 20 дан ортиқ бошқа турдаги жиноятлар аниқланди.

Жорий йилда мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш чораларини янги босқичга кўтариш борасида долзарб вазифаларни белгилаб олдик. Хусусан, ҳар бир ҳудуднинг ҳуқуқбузарликка қарши курашда ўз тажрибасини яратиш, соҳага янги инновацион лойиҳаларни татбиқ қилиш ҳам кўзда тутилган.

Энг асосий мақсадимиз эса халқимиз осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлаш орқали уларнинг ишончини қозониш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг умуман содир этилмаслигига эришишдир. Бунинг учун бор куч ва билимимизни сафарбар этамиз.

**Ш. ШАКИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони ўринбосари.**

## Таассурот

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНИНИ ЕНГГАН ГРОССМЕЙСТЕР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР БИЛАН БАҲСЛАШДИ

*Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида халқаро тоифадаги гроссмейстер Нодирбек Абдусатторов ҳамда халқаро тоифадаги спорт устаси Шамсиддин Воҳидов иштирокида шахмат бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди.*

Билим юрти ҳарбий хизматчилари ва уларнинг фарзандлари, курсант ҳамда аскарлар қатнашган учрашув барчада ёрқин таассурот қолдирди, дейилади Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати тарқатган хабарда.

Тадбир давомида "ақл гимнастикаси" усталари бир вақтнинг ўзида ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва болалар таркибидан иборат 10 нафар рақиб билан тезкор шахмат бўйича беллашди.

Учрашув сўнгида шахмат бўйича Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси бош мураббийи Саидали Йўлдошев ҳамда ёш гроссмейстерлар билим юрти бошлиғи номидан ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, меҳмонлар билим юртининг "Фахрий меҳмонлар" китобига ўз дастхатини қолдирди.

Халқаро тоифадаги гроссмейстер Нодирбек Абдусатторов 2018 йилнинг декабрь ойида Туркиянинг Конья шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган Жаҳон шахмат олимпиадасида олтин медалга сазовор бўлган. Дунё бўйича энг ёш халқаро тоифадаги гроссмейстерлардан бири ҳисобланади.

Шамсиддин Воҳидов эса ўтган йили Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида шахмат бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида рапид ҳамда блиц йўналишида ўтказилган жаҳон чемпионатида амалдаги жаҳон чемпиони, норвегиялик халқаро гроссмейстер Магнус Карлсенни мағлубиятга учратган эди.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# «ВАТАНПАРВАРЛАР БОҒИ»

## ёшларимизни юртга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилади

*Қарши шаҳрида бунёд этилаётган "Ватанпарварлар боғи" аҳолининг Қуролли Кучларимиз ҳақидаги тасаввурини янада бойитадиган, айниқса, ёшларда ҳарбийлик касбига ҳавас уйғотадиган, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган масканга айланмоқда.*

## Бунёдкорлик




Айни пайтда бу ерда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни олдидан қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Умумий майдони 7 гектардан зиёд бўлган боғ қурилиш лойиҳаси ва дизайни, қулайликлари жиҳатидан мамлакатимиздаги бошқа истироҳат масканларидан мутлақо фарқ қилади. Унда Мудофаа вазирлиги томонидан тақдим этилган ҳарбий техника ва самолётлар намуналари экспонат сифатида жойлаштирилган. Йўлаклар бўйлаб юрар экансиз, Қуролли Кучларимизда мавжуд қудратли ҳарбий техникалар, самолёт ва вертолётлар, танк, бронетранспорт воситалари эътиборни тортади. Уларни бемалол томоша қилиш, техник имкониятлари, бошқарув усуллари билан яқиндан танишиш мумкин.

Боғ лойиҳасида ёшларда ҳарбий касбга қизиқишни орттирадиган, ҳарбий-тактик ўйинлар ўтказишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ҳарбий амалиётлар вақтида фойдаланиладиган ҳарбий хандақ, унга жойлаштирилган алоқа воситалари, қурол-яроғлар кишида ҳарбий амалиёт майдонига оид тасаввурларни гавдалантиради.

— "Ватанпарварлар боғи"даги сайримиз жуда мазмунли, унутилмас таассуротларга бой бўлди, — дейди қаршилик Жасур Жалилов. — Барча ҳарбий техникаларни томоша қилдик. Шаҳримизда шундай ажойиб маскан барпо этилаётганидан жуда мамнунмиз.

— Ҳарбий соҳага болаликдан қизиқишим баланд. Шу боис лицейимизда фаолият кўрсатаётган ҳарбийлашган махсус гуруҳга аъзо бўлганман, — дейди Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Сирож Маматқулов. — Боғдаги ҳарбий техникаларни катта қизиқиш билан томоша қилдим. Келгусида яхши ўқиб, жисмонан чиниқиб, мен ҳам, албатта, ҳарбий хизматчи бўламан.

Боғда қад ростлаган шарқона услубдаги музей ташқи томондан Амир Темур ва ундан кейинги даврларда қурилган сарой иншоотларини ёдга солади. Бино атрофидаги муҳит ҳам тарихий қиёфа касб этиб, улуғвор бино ичкарисида мамлакатимиз ҳарбий тарихига оид буюмлар, расмлардан иборат экспонатларни томоша қилиш мумкин.



Ҳудудда барпо этилган очиқ сув ҳавзаси ҳам ўзига хос иншоот. Унга ўрнатилган фавворалар сувни 30 метрдан 50 метр баландликкача кўтариб, ажиб манзара ҳосил қилади. Фавворалар атрофида эса ҳарбий қайиқ ва катерларда саёҳат қилиш кишига ўзгача завқ бахш этади.

Президентимиз яқинда Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида "Ватанпарварлар боғи"ни бориб кўрди ва уни янада замонавийлаштириш, мавжуд имкониятлар, инновацион ғоялардан унумли фойдаланиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берди. Айни пайтда ана шу кўрсатмалар асосида бунёдкорлик ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Муаллиф олган суратлар.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 61 229 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-6786

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41. ЎзА якуни — 18.00 Топширилди — 00.45 2 3 4 5 6